



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 13 февраль, № 31 (4946)

Шанба

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов  
10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан  
Корея Республикасида бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикасида давлат ташрифининг учинчи кунини "Korean Air" компанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини барпо этиш ва "Навоий" қитъалараро интермодал логистика марказини ривожлантиришда "Korean Air" компанияси фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2009 йилда мазкур компания "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига лизинг асосида иккита юк самолёти тақдим этди. Ҳозир бу самолётлар логистика марказига хизмат қилмоқда.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида айна пайтда умумий қиймати 187 миллион АҚШ долларига тенг 19 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бевоқиф ишлаб чиқариш билан боғлиқ 16 лойиҳа 2010 йилнинг иккинчи ярмида якунига етди — кимё, нефть кимёси, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа соҳаларда фаолият юритадиган корхоналар ишга тушади.

Бу ерда махсус техника учун гараж, ўқув маркази, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш станцияси, ёнғинга қарши депо, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари омбори қурилди, темир йўл тортилди. Айна пайтда юк терминали барпо этилмоқда. Буларнинг барчаси марказни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Келгусида у ерда йилга 300 минг тонна юк қайта ишланади.

Ҳозир Навоий шаҳри аэропортидан Милан, Брюссель, Бангкок, Деҳли, Мумбайга мунтазам самолёт қатнови йўлга қўйилган. Франкфурт, Дубай, Истанбул, Тель-Авивга рейсларни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ижтимоий инфратузилма ҳам ривожланмоқда. Хусусан, "Korean Air" компанияси билан ҳамкорликда 9000 кишига мўлжалланган тураржой мажмуи барпо этилмоқда. Мажмуа соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ва дам олиш масканларига эга бўлади.

Сўхбат чоғида икки мамлакат авиакомпаниялари ҳамкорлигини, жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва логистика марказини ривожлантириш борасидаги алоқаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Ю Жин Хёни ҳам қабул қилди.

Кореяга ташриф асносида имзоланган ҳужжатларнинг аксарияти йирик молия-

вий операцияларни амалга оширишни, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда молиявий маслаҳатлашувларни тақозо қилади. Икки мамлакат вазирилик ва идораларининг, фирма ва компанияларининг ҳамкорлиги муваффақият келтиришни таъминлаш учун молия мақамаларининг алоқаларини мустаҳкамлаш, фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Устюрт газ-кимё мажмуи бўйича консорциумни шакллантиришда Жанубий Корея банк-молия муассасалари муҳим ўрин тутганини таъкидлаш жоиз.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида банк-молия соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф натижаларининг аҳамияти ҳақида унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, хусусан, Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сарможий битимдан келиб чиқиб ҳам етарли хулоса чиқариш мумкин. Унинг молиявий қиймати 3 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масаланинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатларидан ташқари, маънавий томонига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Аввало, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакиннинг куйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: "Корея Ўзбекистонга ҳар томонлама яқиндир. Корейслар ўзбек халқига, Ўзбекистонга катта ҳурмат билан қарайди. Корея Миллий музейида Ўзбекистон миллий маданияти кўргазмаси ташкил этилганда, корейликлар унга ҳар қандай кўргазмадан кўра кўпроқ қизиқиш билдирди". "Кўплаб давлатлар глобал инкироздан азият чеккан бир пайтда Ўзбекистон иқтисодий ўсишга эришди, — деб таъкидлади Жанубий Корея Президенти. — Бу ютуқ, албатта, доно раҳбарнинг раҳнамолигида қўлга киритилди. Инкирозга қарши чоралар борасида Ўзбекистон, ўйлаيمанки, кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўлиши мумкин".

...Президентимиз Ислам Каримовни кутиб олиш маросимидан бир гуруҳ болалар ҳам бор эди. Қўлга Ўзбекистон ва Жанубий Корея байроқларини тутган болалар "Ассалому алайкум" деган ўзбекона калом билан Ўзбекистон раҳбарини кутиб олди. Демак, Президент Ислам Каримовнинг ташрифи Кореяда ўзига хос байрам сифатида қабул қилинди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Корея Республикасида давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди.

**Анвар БОБОВЕВ,**  
**ЎЗА махсус мухбири.**  
Тошкент — Сеул — Тошкент

## ҲАРБИЙЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий хизматчиларнинг моддий, ижтимоий-маиший аҳволини янада яхшилаш масаласига миллий армиямиз мудофаа қудратини ошириш йўлидаги энг муҳим омиллардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.**

### Фамхўрлик

Буни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, якунланган 2009 йилда мазкур йўналишда ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирлар туфайли Ватан ҳимоятчиларидан бир қанчаси энг тураржой биноларига эга бўлишди. Қуроли Кучларимизнинг 18 йиллик тантаналари арафасида ҳам Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг қалитлари топширилгани ҳақида хабар қилгандик. Шинам, барча кулайликларга эга, замон талабларига жавоб берадиган ушбу хонадонлар соҳиблари давлатимизнинг бу борадаги фамхўрлиги оилаларга олам-олам қувонч олиб кирганини изҳор этишди.

Президентимизнинг Ватан ҳимоятчиларига йўлаган байрам табригида Қуроли Кучларимиз салоҳияти-



Хасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

ни юксалтириш йўлида эришилган натижалар билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳам белгилаб берилди. Жумладан, аскар, сержант

ва офицерлар таркибининг хизматини ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил ҳамда тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой

билан таъминлаш, ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**12 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тوشмухамедова олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсади" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган ўта муҳим устувор йўналишларини муҳокама қилди. Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг дав-

латимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва илгари сурилган жамиятни янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни чуқурлаштириш стратегиясига асосланган асосий вазифалари кўриб чиқилди. Фойдаланилмаган резервларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этиш ҳамда энг давр талабларига мувофиқ депутатларнинг жорий ва истиқболдаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш муҳимлиги алоҳида уқтирилди.

Таъкидлаб ўтилдики, ҳозирги кунда мамлакатимиз олдида давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ҳамда

ижтимоий соҳада мақдаси ва тарафлари жиҳатидан улкан вазифалар турибди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламентнинг ролини янада кучайтириш, сиёсий партияларнинг фаолигини ошириш, улар ўртасидаги рақобат қурашнинг кучайтириш масалалари доимо депутатлар диққат марказида бўлиши керак. Қонунчилик палатасидаги турли парламент фракциялари ўртасидаги рақобат қабул қилинаётган қонунлар сифатини оширишга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларда парламентнинг ролини кучайтиришга қўмаклашади. Ҳаётда бу дастурлар қураши айнан парламент даражасида бўлиши, бундай қураш орқали ҳар

(Давоми 2-бетда).

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги фракциялари йиғилишларида қизгин муҳокама қилинаётди.**

## ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШЛАРИ

**Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.**

Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишни янада жадаллаштиришда фракция аъзоларининг фаол иштирок этишларини таъминлаш ва бу борада Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни ўз дастур ва режаларини да аниқ белгилаб олишлари зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди ва атрофича муҳокама этилди. Фракция аъзолари Омбудсман институти фаолиятини янада жонлантириш, унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолигини кучайтириш бўйича ўз

фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси йиғилишида ҳам ушбу масалалар атрофича кўриб чиқилди.

Хусусан, фракция аъзолари Омбудсман институти ўз олдида қўяётган мақсад ва вазифалари ЎзЛиДеП Ҳаётдаги режаларини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашга қўмаклашиш партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Фракциялар йиғилишларида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президентимизнинг ҳар иккала палата қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турганлиги, хусусан, улар атроф-муҳитни муҳофазат қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича маъсулиятни ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга қўмаклашишлари лозимлиги қайд этилган. Шу боис Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи ушбу маъруза доирасида ўз фаолиятларининг 2010 — 2014 йиллардаги асосий вазифалари ва устувор йўналишлари дастури лойиҳасини ишлаб чиқди ҳамда у гуруҳ йиғилишида атрофича муҳокама этилиб, тасдиқланди. Эндиликда депутатлар гуруҳи аъзолари Дастурда белгиланган вазифаларга қатъий амал қилишлари ва уни изчиллик билан амалга оширишлари зарурлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам атрофича муҳокама этилди.

Зиёда АШУРОВА.



## Экспорт ҳажми ортмоқда

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.**  
Марказий Осиёда  
ягона ҳисобланган  
Кўнғирот сода заво-  
дида янги имконият-  
ларни ишга солиш  
эвазига 2009 йили  
5,54 миллион АҚШ  
долларига тенг  
маҳсулот экспорт  
қилинди.

Корхона жамоаси жорий йилда экспорт ҳажмини 30 минг тоннагача етказишни режалаштирмоқда. Эътиборлики, шу кунга қадар 680 тонна маҳсулот хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

**Х. АҲМЕДОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Импорт ўрнини босувчи маҳсулот

**БУХОРО** шаҳридаги гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Шаҳбоз-Шаҳром" хусусий корхонасида импорт ўрнини босувчи полипропилен ип-калаваси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун Европа тикла-  
ниш ва тараққиёт банкининг  
1,5 миллион долларлик кре-

дити ҳисобига хориждан за-  
монавий технологиялар олиб  
келиб ўрнатилди. Ҳозирда бу

ерда ойига 120 тоннагача хом  
ашё ишлаб чиқарилмоқда.  
Лойиҳа қуввати тўлиқ ўзлаш-  
тирилгач, мазкур кўрсаткич  
икки баробарга ортади.

**И. БИРОХИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Илғор технологиялар самараси

**АНДИЖОН.** Олтинқул туманидаги Кўмак қишлоғидаги "Евроазияпласт" корхонасига инвесторлар томонидан киритилган 150 минг АҚШ долларига эвазига хориждан илғор технологиялар олиб келиб ўрнатилди.

Натижада бу ерда пишиқ фиш ва пластик панеллар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортди. Жумладан, якунланган йилда корхонанинг 22 кишилик жамоаси вилоятдаги

қурилиш ташкилотларига 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

**О. ШОДНОМАЛИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Мамлакатимизда иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ҳар йили юзлаб лойиҳалар рўёбга чиқарилиб, бозорларимиз импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тобора бойиб бораёпти.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда нафақат хорижий замонавий технология линияларидан, балки юртимиз олимлари томонидан яратилган илғор ускуналардан кенг фойдалани-

лаётгани, айниқса, қувонarli-  
дир. Президентимизнинг 2008  
йил 15 июлдаги "Инновацион  
лойиҳалар ва технологияларни  
ишлаб чиқаришга татбиқ этиш-  
ни рағбатлантириш борасида-  
ги қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги қарори бу бора-  
да дастуриламал бўлиб хизмат  
қилмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур қарор  
ижроси юзасидан аънанавий  
ўтказиб келинаётган Республи-  
ка инновацион ғоялар, техно-

логиялар ва лойиҳалар ярмар-  
каси таълим, фан ва ишлаб чи-  
қаришни интеграциялаштириш-  
да қисси йўқ тадбирга айлан-  
ди. Бунга мазкур ярмаркада  
мунтазам қатнашиб келаётган  
Абу Райҳон Беруний номидаги  
Тошкент давлат техника уни-  
верситети олимлари эришган  
муваффақиятлар яққол  
мисол бўлади.

Ҳап шундаки, ярмаркалар  
асносида университет профес-

сор-ўқитувчилари ва ёш олим-  
лар томонидан тақдир этилган  
инновацион ишлар ҳамда  
технологиялар бўйича 70 та  
ҳўжалик шартномаси имзолан-  
ди, тайёрланган яна 100 дан  
зиёд инновацион лойиҳа 2010  
— 2015 йилларда ишлаб чиқар-  
ишга жорий этиш учун тавсия  
этилди.

(Давоми 2-бетда).

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

бир сиёсий партия ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши лозим.

Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал асосда олиб борилиши, теран мазмунга эга бўлиши керак. Худди шу боисдан сиёсий партиялар томонидан ўз сайловчиларини қизиқтирадиган ижтимоий-иқтисодий масалалар янада чуқурроқ ўрганилиши, уларни ҳал этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга диққат-эътибор қаратилиши зарур.

Хар бир партия ўзи ҳаракатнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини аниқ эътирайдиган, чуқур ўйланган таклифларни, шу жумладан, муқобил, рақобатбардор лойиҳа ва дастурларни муҳокама олиб чиқиш пайти келди.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли юзага келган мураккаб шaroитларда иқтисодиётнинг бундан буён ҳам барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан қайта уюшунаш борасидаги ишларни давом эттириш керак.

Минтақамизда ва умуман, жаҳонда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитларда мамлакатимизни ҳавфсизлигини таъминлаш, жаҳонга таъминчилик ва осойишталикни сақлаш зарур.

Ана шу ва бошқа вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши нафакат ўз вақтида сифатли қонунлар қабул қилинишига, балки қонунларнинг қўндалик ҳаётада амалга оширилиши, ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолияти устидан доимий парламент назорати ўрнатилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг дастурини ишлаб чиқишда, Қонунчилик палатаси қўмиталари ва сиёсий партия-

лар фракцияларининг иш режаларини шакллантиришда давлатимиз раҳбари томонидан парламент қўшма мажлисида илгари сурилган устуворликлар ва вазифаларни асос қилиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботни ҳам кўриб чиқилар. Таъкидланиши, ҳисобот даврида Омбудсман фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилди. Фуқароларнинг муқоабаларини қўриб чиқиш, қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқий нормалар ва принципларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича талай ишлар амалга оширилди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботни маъмулладилар. Мазкур ҳисобот ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилинади.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг самарали ишлашини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(Ў.А.)

**ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ**

Иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилidir

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Юртимизда олимларнинг илмий изланиши ва ихтиролар қилиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган, — дейди Тошкент давлат техника университетининг ректори, техника фанлари доктори, профессор Шорахмат Шойбовидов. — Инновацион лойиҳалар ва технологиялар муаллифлари моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши эса уларни иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшаётгани рақобатбардор техноло- гиялар яратишга ўндаётди. Университетимизда 2009 йилда 24 та фундаментал, 47 та амалий ҳамда 11 инновацион лойиҳа буйича илмий тадқиқот ишлари бажарилгани бунга мисол бўла олади. Энг қувонарлиси, Республика инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси илм доғроҳи билан ишлаб чиқарувчиларни боғловчи кўприк вазифасини ўтаётди. Унинг шарофати билан биз, олимлар корхоналарга янада кенроқ кириб бориб, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қиладиган лойиҳалар билан кўпроқ шуғулланмоқдамиз. Жорий йил март ойида бўлиб ўтадиган III Республика инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида 41 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда 27 нафар ёш олимнинг ушундай илмий ишланмаларини тақдим этмази.

Дарҳақиқат, мазкур олий ўқув юртининг илмий салоҳияти ниҳоятда юқори бўлиб, бу ерда яратилаётган ишланмаларнинг барчаси санот корхоналарида сарф-харажати камайтиришга, ҳам ашбини тежашга эришиш орқали иқтисодий самардорликни оширишга қаратилган. Шу боис йирик корхоналар доимо университет олимлари билан ҳамкорлик қилишга интилишади. 2002 — 2010 йилларда давлат бюджети ва санот корхоналари томонидан молиялаштирилган 200 дан ортиқ илмий лойиҳалар бажарилгани шундан далолат беради, албатта. Йирик корхоналар мутахассислари иш-тироқда илмий ишланма ва инновацион лойиҳаларнинг тақдимотлари мунтазам ўтказиб келинаётгани эса томонлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашда асосий омил бўлаётди.

Айни пайтда ярмаркада тақдим этиладиган инновацион ишланмалар ва техника воситалари устида ишлар якунига етказилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ҳозирдан қўллаб-қўриб бор. Электр теховчи қурилма (ЭТҚ) — ана шунлардан бири. Ушбу қурилмага Навоий кон-металлургия комбинати мутахассислари қатта қизиқиш билдиришмоқда. Бу беҳиз эмас. Негаки, ЭТҚ ўрнатишда, электр энергияси самардорлиги 20-30 фоизга кўпаяди, механикларнинг ишончилиги 1,5-2 баробарга ортади, таъмирлаш ишлари кескин камайтирилади. Қилинган сарф-харажатлар эса 6-10 ойда қопланади.

— Қурилмани ишлаб чиқаришга таътиб этиш у қадар мураккаб эмас ва техно- логик жараёнга ҳам деярли таътиб қўрсатмайди, — дейди қурилма муаллифи, техника фанлари доктори, профессор Орижон Хошимов. — У манаб билан электромотор ўртасига ўрнатилади, холос. Айни пайтда 500 кВтгача бўлган санот механизмлари учун ЭТҚ яратиш устида изланиш олиб бораёғимиз. Уни ҳам йил охиригача амалиётга таътиб қилиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, ички бозорда эҳтиёж юқори бўлган бундай ишланма, боғлиқ ва техно- логиялар яратишда ёшлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Улар ярмарка доирасида ўз инновацион маҳсулотларини тақдим этиб, ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга муваффақ бўлаётганлари, айниқса, қувонарлидир.

Жорий йилги тадбирда университетнинг 27 нафар иқтидорли талабаси инновацион ишланмалари билан иштирок этиши мўлжалланган. Улар таклиф этмоқчи бўлган маҳсулотлар бугунги замон талабларига тўла жавоб бериши, яъни илгор технологияларга асосланганлиги, моддий ресурсларни тежаси ва қўл меҳнатини кескин камайтириши билан бемалол рақобатга кириши олади. Бу Президентимиз раҳнамоллигида юртимизнинг эртанги тараққиётида маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларни камол топтириш йўлидаги ислохотлар ўз самараларини бераётганининг амалдаги тасдиғидир.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ва хорижий мамлакатлари ўрганиш билан шуғулланувчи Сетагая уюшмаси XVIII Сетагая маданиятлараро алмашинув фестивали доирасида Ўзбекистон ва унинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросимини ташкил этди. Тадбирда Сетагаянинг маъмурий бошқаруви, бир қатор хорижий мамлакатлар элчихоналари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-ижтимоий ҳамкорлигининг қўн асрлик тарихига эга экани, айниқса, Буюк Ўлқ йўли равнақ топган йилларда ушбу алоқалар фаол ривожлангани таъкидланди. Икки мамлакаат ўртасидаги давлатлараро ҳамкорлик Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ўрнатилди, 2002 йилда эса «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларация» ҳамда «Иқтисодий ҳамкорлик ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга ёрдам бериш

**ҚУНЧИҚАР ЮРТДА ШАРҚ ДУРДОНАСИ ТАҚДИМОТИ**

тўғрисида қўша баёнот» имзо-ланди.

Таъбир маъноларига Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, аксарияти ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон мероси рўйхати»га киритилган мезморий ёдгорликлар, шунингдек, дунёнинг барча қитъаларидаги сайёҳларни ўзига ром этадиган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарлари ҳақида маълумотлар

амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистонга ташир буюраётган сайёҳлар сони йилдан-йилга тобора ортомоқда. Бу борада, айниқса, Токио ва Осака шаҳарларидан мамлакатимизга тўғридан-тўғри авиақатновларнинг мавжудлиги япониялик сайёҳлар учун жуда қулайдир.

Тақдимот якунлари юзасидан тадбир иштирокчилари ўз мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан,

ро, Хива каби бетакрор ансамбллари бунёд этган ўзбек мезморларининг маҳорати, ҳақиқатан ҳам, таҳсинга сазовор бўлиб, ўзига мафтун қилиши жиҳатидан жаҳон мезморчилигининг шох асарлари сафидан жой олган.

Уюшманинг фаол нозир Казуо Окуи мазкур жамият 14 йилдан зиёдрок вақтдан бунён Ўзбекистон ва унинг сайёҳлик салоҳияти билан Япония жамоатчи-

лигини таништириб келаётганини айтди. У, шунингдек, Фаргона вилоятининг Риштон шаҳридаги «Норико Гаккю» япон тили мактаб-туғарағига ёрдам қўрсатиш ва ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида у ерга боришни режалаш-

тирайтгани ҳақида маълум қилди. «Сайю Трэвел» сайёҳлик компаниясининг менежери Ма-саказу Окуи японияликларнинг ушбу бетакрор ўлкага бўлган қизиқиши сезилари даражада ўсаётгани ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистонга саёҳат уюштирувчи туристларнинг сони ошиб бораётганини қайд этди. Унинг фикрига қўра, бу каби тақдимотлар-

**ҲАРБИЙЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳамда стандартларга жавоб берадиган барча қўлайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Ҳозирда ана шу талаблар ижросини амалга ошириш бўйича Мудофаа вазирлиги, республикамиздаги қатор лойиҳалаш институтлари ҳамда тегишли қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб бораётди.

Кеча Тошкент ҳарбий округида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйлари қалинларини топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўз олганлар ҳам шулар ҳақида тўхталиб, ҳарбийларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётган Юртбошимизга ўз миннатдорликларини билдиришди.

Айтиш жоизки, пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ҳудудидига 72 хонадонга мўлжалланган мазкур ту-раржой биносидаги имкони-ятлар киши ҳавасини келтиради. Кенг ва ёруғ уй соҳиби бўлганлардан бири — майор ўткир Бахромоовдир.



Асқар ЁҚУБОВ (Ў.А) олган сурат.

— Турмуш ўртоғим Рухсанахон билан икки фарзандоним тарбиялалаймиз, — дейди ў. Бахромоов. — Оилада хотиржамлик бўлса, ишда ҳам, албатта, унум бўлади. Мана, бугун 3 хо-наги уйнинг қалитини ол-

дик. Жудаям хурсандимиз. Биз, ҳарбийлар бундай гамхўрликларга ўз хизмат бурчимизни сўз қилганда адо этиш, мақдудиллигимизни асраб-авайлаш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини муносиб

ҳимоя қилиш орқали жавоб берамиз.

Уйлари топшириш маросимида Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Дунё нигоҳи**

нинг ўтказилиши япон жамоатчилиги орасида юртимизга боришни истовчилар сонининг орттишига хизмат қилади.

М. Окуи, шунингдек, сўнгги пайларда Оролбўйи воҳасига бориш иштиёқидаги сайёҳлар кўпаяётганини қайд этди, зеро, минтақадаги табиий офат япон фуқароларининг Орол фожиясига ҳамдардлигини уйғотади. У, шунингдек, минтақадаги табиий шариёт барқарорлашувига умид билдириди ҳамда муаммони халқаро миқёсда ҳал қилиш зарурлигига эътибор қаратди. Таъбир доирасида Ўзбекистоннинг тарихий қадимжолари фотоқўрғазмаси ташкил этилди ва мезмонлар хилма-хил ўзбек таомларидан татиб қўришга таклиф этилди.

«Жаҳон» АА. Япония

**Сарҳисоб**

вестия ва кредитлар ҳамда маҳаллий маблағларни жалб этган ҳолда 2009 йилда жами 88 та лойиҳа амалга оширилиб, шулар ҳисобига 3200 дан зиёд янги иш ўрни барпо этилди.

Жумладан, Термиз шаҳрида йилга 400 тонна пилла хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Сурхон-Термиз-Силк» компанияси фаолият кўрсата бошлади. «Шиндонг-Спиннинг-Термиз», «Сурхонтекс» «Жарқўрган нефтни қайта ишлаш» кўшма корхоналари-га жалб этилган қўшимча инвестициялар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш имконини берди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида 3,3 млрд. сўм маблағ сарфланди. Жами 306,2 км. тоза ичимлик суви қурувлари тортилиб, 119 та қишлоқ аҳоли пункти ичимлик суви билан таъминланди. Халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга 108 км. автомобиль йўллари таъмирланди. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган» янги темир йўл инфратузилма объектлари қурилиши давом эттирилади.

Иқтисодий, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда прогноз қўрсаткичига эришилган бўлса-да, санот, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, капитал қўйилмалар ва хизматлар кўрсатишда белгиланган прогнозга нисбатан ўсиш суръатлари таъминланмаганини таъкидланди. Мазкур камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш, Инқирозга қарши чоралар дастури ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридаги вазифаларни иччил бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳўжаев сўзга чиқди.

Г. ТАНГИРОВА.

**Семинар**

Ўзбекистон Табиий муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Нефть ва газ sanoatida атропо-мухт муҳофазаси талаблари» ҳамда «Европа Иттифоқи давлатларининг муқобил энергия турларидан фойдаланишга оид қонунчилик ақллари, энергетик менежмент ва энергетик самардорлик» мавзусида икки кунилик семинар бўлиб ўтди.

**ТАБИИТ МУҲОФЗАСИДАГИ МУҲИМ ТАЛАБЛАР**

Тадбирда халқаро экспертлар, Ўзбекистон Табиий муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» компанияси, шунингдек, INOGEYT дастури билан ҳамкорлик қилаётган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Айтиш жоизки, INOGEYT — Европа Иттифоқи техник ҳамкорлик ташкилотининг узок мuddатли дастуридан бири ҳисобланади. Бу дастур 1996 йилдан бери давлатлар ўртасида энергетик ҳамкорликни кенгайтириш ишларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Семинарда нефть ва газ sanoatida атропо-мухт муҳофазаси қилиш талаблари, инспекцион назорат, шунингдек, Европа Иттифоқи давлатларининг муқобил энергия турларидан фойдаланишга доир қонунчилик базаси масалалари муҳокама этилди.

Ф. БЎТАЕВ.

**Яхши хабар**

**«Оромкафолат»нинг ширмой ноилари**

Кармана туманида Россиянинг «Восход» фирмаси иштирокида лойиҳа қиймати 600 миллион сўмлик бўлган «Оромкафолат» корхонаси иш бошлади. Ҳозир бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида ички бозордаги талаба қараб қўнига 10 тоннагача ўн бир хилдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ,**  
**КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР,**  
**БАНКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР,**  
**ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР**  
**РАҚБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2009 — 2010 ўқув йилида университетни битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида февраль-март ойларида «Ёш мутахассислар — 2010» тадбирини ўтказишни эълон қилади.



Унда университетда мукамал назарий-амалий билимларни эгаллаган, замонавий техника ва технологиялар ёрдамида иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қиладиган юқори малакали ёш мутахассислар билан ўзаро мулоқот қилишингиз мумкин. Ёш мутахассислар сизнинг ташкилот ва корхоналарингиз ривожига улкан ҳисса қўшишига университет профессор-ўқитувчилари жамоаси ишонади.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 246-58-89, 246-62-15. Факс: (8-371) 246-83-43.  
 Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети. www.nuu.uz, marketing@nuu.uz

2009 — 2010 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

## БАКАЛАВРИАТ

Т/р	Таълим йўналишлари номи	Битирувчи-ларнинг умумий сони	Қорақал-поғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.
1.	Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари	37	1		3	1			4	3		7			12	6
2.	Санъатшунослик	12									2		1	1	3	5
3.	<b>Филология (тиллار бўйича):</b>															
4.	Ўзбек тили	74	2	5	4	3	3	2	3	4		4	3	1	28	12
5.	Нутқ маданияти ва нотқлик	28	2				1	3	2	1		3	1	1	3	11
6.	Туркий тиллар	16	1			1		1			1	1			5	6
7.	Инглиз тили	82	1		1		1	4	2	3	1	7		4	8	50
8.	Француз тили	23			3		1							1	3	14
9.	Рус тили	50					1		1	1		4			2	41
10.	Немис тили	23					1		2					3	6	8
11.	Тарих	109	1	2	6	5	7	1	9	7	5	7	12	3	9	17
12.	Фалсафа	54	1	1	1	4	3	3	1	7	3	2	2	2	10	17
13.	Сийбасатшунослик	32	3		2	1	2	3		1			2	2	1	16
14.	Психология	61	1			3		1	1	6	2	8	1		5	33
15.	Социология	24	1		1		2	1	1	1	3	2			1	11
16.	Журналистика	98			3	2	2	2	6	5	1	8		3	14	50
17.	Архившунослик	15			1					5		3			2	3
18.	Иқтисодиёт	169	2	4	4	3	5	13	6	7	2	9		6	10	96
19.	Бизнесни бошқариш	40						1	1	1		6			1	25
20.	Юриспруденция	296	1	1	4	4	4	4	2	10	11	27		10	10	211
21.	Биология	77			9	2	3	4	4	2		8	1	2	7	32
22.	Биоинформатика	19						1				8		3	1	9
23.	Физика	41	2	1		1	2	4	2	3		8		4	4	6
24.	Механика	19			1		2	1	1	1				4	5	3
25.	Астрономия	15				2		1	1	3			1		5	6
26.	Кимё	41	1	1	7	1	3	2	1	2	1	6		3	2	7
27.	География	39	2	1	1	1	1	4	4	4		9			2	14
28.	Гидрометеорология	29	1	1	1	1	1	3	3	1		7	1		2	10
29.	Геология	61			7		6	5	6	6	1	5	5	1	11	14
30.	Математика	56	1	1	4	2	3	3	3	2		3		5	13	16
31.	Статистика	15	1					1	1	1	1			1	1	9
32.	Амалий математика ва информатика	47	2	1	7	1		3	2	1		4	1	1	8	16
33.	Информатика ва ахборот технологиялари	51	1	4	1		1	3	2	4		13		6	5	15
34.	Геодезия, картография ва кадастр	50		5	2	1	2	4	4	4		6		1	6	19
35.	Агрокимё ва агротупроқшунослик	25		1	1	1	2	1	3	5		1		2	6	2
35.	Экология ва табиатдан фойдаланиш	28	1				1	1	1	1		1	1	1	7	15
	<b>Жами</b>	<b>1856</b>	<b>23</b>	<b>40</b>	<b>73</b>	<b>44</b>	<b>59</b>	<b>58</b>	<b>78</b>	<b>97</b>	<b>36</b>	<b>175</b>	<b>34</b>	<b>74</b>	<b>235</b>	<b>830</b>

## МАГИСТРАТУРА

Т/р	Таълим мутахассисликлари номи	Битирувчи-ларнинг умумий сони	Қорақал-поғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вил.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент ш.
1.	Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий масалалари	9		1		1			1				1	3	1	1
2.	Адабиётшунослик	0							1			1			2	1
3.	Адабиётшунослик (Ўзбек адабиётшунослиги)	7								2						4
4.	Адабиётшунослик (рус адабиёти)	5										1				1
5.	<b>Лингвистика:</b>															
6.	Ўзбек тили	8						1	1			1		1	3	1
7.	Туркий тиллар	4			1						1		1		1	1
8.	Инглиз тили	11						1	1		2				1	7
9.	Немис тили	6	1						1					1	2	1
10.	Француз тили	3							1			1			1	1
11.	Ватан тарихи	7		1		1				1	1	1	1		1	2
12.	Умумий тарих	5		1				1		2		1	2		1	1
13.	Археология	6								1			1			1
14.	Фалсафа тарихи	7			1			2	1	1		1				3
15.	Эстетика	5							1			1				4
16.	Дин ва эркин фикрлилик фалсафаси	5							1			1				3
17.	Замонавий Ғарб фалсафаси ва тарихи	5										1			2	3
18.	Амалий сийбасатшунослик	6		2										1	1	2
19.	Ихтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги	7	1				1								3	2
20.	Умумий психология, психология тарихи	10								1	1	1	1		1	9
21.	Социология назарияси, методологияси ва тарихи	7	1		1					1	1	1	1		3	3
22.	Спорт психокоррекцияси	6													1	3
23.	Спортчилар тайёрлаш психологияси	5								1			1		1	6
24.	Журналистика (фаолият турлари бўйича)	10				1						1		1	1	4
25.	Телевидение ва радиоташқириш	7			1				1						1	4
26.	Жамоатчилик билан алоқалар	6			1	1						1			1	3
27.	Оммавий ахборот воситаларида реклама	4										1			1	2
28.	Иқтисодий назария	11										1		1		10
29.	Минтақавий иқтисодиёт	7														7
30.	Бизнесни бошқариш	7													1	6
31.	Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ	13			1							1		2		9
32.	Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик	12							1			1				10
33.	Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси (юриспруденция)	6										1				4
34.	Зоология	6			1		1	2						1	2	4
35.	Ботаника	7				1		1		1				1	2	1
36.	Одам ва ҳайвонлар физиологияси	5						1			1			1	2	3
37.	Микробиология	5										2		2	1	1
38.	Генетика	4			1			1				1			1	1
39.	Биофизика	6					1			1		1			3	2
40.	Биокимё	4			1							1			1	2
41.	Биотехнология	8							1			2			1	4
42.	Ихтиология	5													3	2
43.	Паразитология	5												1	3	3
44.	Назарий физика	5	1											3	1	3
45.	Яримўтказгичлар ва диэлектриклар	4						2						1	3	1
46.	Оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика	7			1										1	3
47.	Лазер физикаси	4	1		1									1	1	3
48.	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси	4		2				1						1	1	2
49.	Радиофизика	5		1		1									1	2
50.	Ядровий технологиялар	4			1					1		1	1	1	1	1
51.	Гелиофизика ва кўёш энергиясидан фойдаланиш	5						2				1		1	1	2
52.																

14 февраль — Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



Ўзбек халқи ва маданияти тарихида XV-XVI асрларнинг зарҳал ҳарфлар билан ёзилса, арзигулик ўрни бор. Милодий йил тақвимида...

дин тажовуз қилманг. Яна ининг била яхши маош қилгайсен. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит кўпубутур, ул ҳам мулозамат ва яқинҳатликқа тақсир қилмагай".

аввало, унинг қарашлари инсон тарбияси, унинг ахлоқига қаратилганлиги билан муҳим. Агар Бобур даврида кишининг ўртача умри 45-55 (эркаклар) ёш эканлигини, унинг асқарлари, асосан, ёшлар бўлганлиги, теурий шахзодалар жуда ёш тахтга ўтирганлигини инобатга оласак, "Бобурнома"даги ҳар бир персонажнинг характери, ўша давр ахлоқ нормаларига муносабати бевосита ёшлар тарбиясига ҳам қаратилганлигини кўраимиз.

ҲАЁТНИ СЕВДИ, ЭЗГУЛИКНИ КУЙЛАДИ

Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, биолог, географ олими сифатида араб алифбосининг мураккаб, ўрганилиши оғир бўлганлиги боис янги "Хатти Бобурий" алифбосини яратган, почта тизимида қайта, қулай тарзда тартиб берган ва яна қанчадан-қанча ислохотларни амалга оширган, борган ерда ободончилик, бог-роғ барпо этган буюк шахсдир. Унинг "Бобурнома" асари бошдан охиригача тарбия, тажриба ва ибрат китоби. Унда ватанпарварлик ва мардлик, жасорату ростгўйлик, ҳаётни бор гўзаллиги билан севиш дарси мавжуд. Бобур дунёқарашини белгилайдиган бу ёндашувлар айнан инсон тарбиясига, унинг ахлоқига ижобий хислатларни кўришга иштиёқ тарзда ўз ифодасини топган.

қилинганлиги, қадриятимизга мансуб асарлардан ёшларни тарбиялаш, уларни илмга бўлган интилишларини қўллашда ҳам фойдаланиш мумкинлигини назарда тутмоқ лозим. Маъқур мактуб Бобурнинг вафотидан икки йил олдин тўнғич ўғли Хумоюнга жўнатилган. Бу даврда Бобур Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий қисмига эга бўлиб, катта галаба ва бойликка эришган пайти эди. Аммо фарзандлари Хумоюн ва Комроннинг умур қелишмовчилиги, мулк бўлишдаги Бобур сийёсати раҳна солашлик, бойликка ўчлик ма-салалари салтанат муҳитига, айниқса, Бобур армони — Амир Темур салтанатини бир яхлитликда асраб қолишга аниқ таъхид эди. Бунда Бобур фарзандлари орқали даврнинг барча ёшларига ибратомуз хижатларни айтганини, салтанатни асрашда дўстона муҳитни сақлаш, бири-бирини эҳтиром этиш, қадрлашга интилиш, турли дин, элат ва миллатлар қадриятларини хурмат қилиш, бир онадан туғилган ака-укаларнинг ар-зимас мулк ва давлат учун ўз туғишганларига нолойиқ муносабат кўрсатиши асло

йўл қўйиб бўлмайдиган амаллардан эканлигининг таъкидини кўраимиз. Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганган Шарқ, айниқса, Ғарб олимлари унга берган баҳоларида Ҳиндистонда маҳаллий халқнинг урф-одати, қадимжолари унинг эҳтиром этганини, маҳаллий аҳолининг манфаатларини инобатга олиб, давлатдорлик қилганлигини алоҳида таъкидлашган. Мақтуб сатрлари Хуросон ва Ҳиндистонда энг қудратли ғанимларини тиз чўқтирган султон, подшоҳ Бобурни ўз фарзандлари содир этаётган ноҳўя хатти-ҳаракатлар изза қилаётгани, бу ташвишларнинг асл моҳияти шахзода ака-укалар гинакудуратигина бўлмасдан, подшоҳлик сийёсати ҳам раҳна солаётганлигини олдиндан сезган серғак ҳукмдорнинг илтижоларидек туюлди, кишига: "Сизларнинг жон тортиб, қилч чопмоқ маҳалларингиздир. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжлик била қоҳиллик подшоҳлик била рост келмас... Яна сен ўзун (яъни Хумоюн — Х. К.) билур эдунгким, доим бу қоида маръий эди: беш ҳисса Комронга бўлур эди. Хамиша бу қоида ни маръий тутуб, мун-

қилган гинаси ҳам шунга қаратилган. Бунда Хумоюнни ота Бобур нақадар юксак меҳр билан севиши, фарзанднинг бу меҳри чўқур англамаган, ўз ташвишлари билан овора қилгани, бобурийлар салтанатининг бош вориси бўлишига қарамасдан, Бобурга "мен ёлғизман" деб гина қилиши оғирлик, тарбия кўрмаганлик даражасида баҳоланган. "Яна сендин озроқ гинам бор, бу икки-уч йилдин бери бир қилишг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йили сўнгра келди. Мундоқ бўлурму?" Инглиз тарихчиси Лейн Пуллинг Бобурга берган баҳо-ҳосига эътибор қаратайлик: "Унинг мемуарлари бир асқарнинг ҳарбий юриши ва чекинликлари ҳақидаги олдий қундалик дафтар эмас: бу хотираларда Шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни синчиклаб ўрган-диган, улар ҳақида холис ва одил фикр юрига оладиган мутаассир қалб эгасининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган". "Бобурнома"да муаллиф 1640 нафар шахснинг ҳоқ ижобий ва ҳоқ салбий хислатлари бўлсин, энг,

Хасан ҚУДРАТИЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор.

ОСИЁ ГЎЗАЛЛАРИ ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИ

Жаҳон спорт жамоатчилиги ва спортнинг энг гўзал, нафис тури муҳлисларининг эътибори 14-20 февраль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган бадий гимнастика бўйича 11-Осиё чемпионатида қаратилади.

Турнир Халқаро гимнастика федерацияси кўмагида Осиё чемпионатида ўшамас, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилмоқда. Унда Осиёнинг 12 мамлакатидан 150 нафар спортчи қиз иштирок этади. Ушбу нуфузли мусобақалар совриндорлари шу йилнинг августда Сингапурда ўтадиган 12 ўмирлар Олимпия ўйинларида ўз маҳоратини намойиш этади.

Буларининг барчаси ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Иштирокчиларда мамлакатимизда аниқ ҳаётий қарашларига эга, ҳар томонлама янги авлод вояга етди. Ўзбекистон ёшлари вакиллари энг нуфузли халқаро мусобақаларда ўзининг спорт маҳоратини бир неча бор намойиш этди, Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

миз бир неча марта жаҳон бадий гимнастика марказига айланган, бу ерда бўлиб ўтган кўпгаб халқаро мусобақалар, Жаҳон кўзбўйи босқичларида спортчи қизларимиз, кескин рақобатга қарамай, ўзининг юксак маҳоратини тўғайли ҳар доим совринли ўринларни эгаллаган. Бу галги беллашувлар ҳам нийоятда қизинг кеңиши, шубҳасиз. Осиё чемпионатида иштирок этиш учун 20 мамлакат ариза берган. Бирок мусобақаларни ўтказиш бўйича белгиланган қатъий тартиб, спортчиларнинг ёши ва малака даражаси бўйича қатор чекловлар ҳисобга олиниб, беллашувларда қатнашиш учун 12 мамлакат — Бангладеш, Қозғоғистон, Қатар, Хитой, Корея Республикаси, Кирғизистон, Малайзия, Сингапур, Сурия, Таиланд, Ўзбекистон ва Япониядан энг кучли спортчилар танланди. Мамлакатимиз шарафини Хусниёбону Ғуломова, Азиза Мамажонова ва Сарвина Холиқова каби спортчининг ушбу нафис тури бўйича ном қозонган етти нафар ёш гимнастикачи қизларимиз ҳимоя қилди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Айни вақтда мамлакатимизда хотин-қизлар спортини, жумладан, унинг нафис ва гўзал тури — бадий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Гимнастика билан шуғулланиш қизларни ҳам ҳисмонан, ҳам эстетик тарбиялашга, уларнинг музика ва рақсга қизиқишини оширишга, маънавий гўзаллигини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда бадий гимнастика анъаналари муштажам асосга эга бўлиб, ушбу спорт тури бўйича ўзбек мактаби жаҳонга машҳур. Ўзбекистон гимнастика федерациясининг бадий гимнастика бўйича техник қўмитаси аъзоси Ноҳа Абу Шабон бошчилигидаги нуфузли жаҳонлар баҳолайди.

Ушбу турнир нафақат юксак савиядаги халқаро спорт мусобақаси, балки ташкилотчилар, турли давлатлардан келган спорт мураббийлари учун маҳоратли гимнастикачиларни тарбиялаш бўйича тажриба алмашиш, ўз мамлакатлари ҳамда бутун Осиё минтақасида спортнинг ушбу турини ривожлантириш истиқболларини муҳокима этиш учун аждоий имконият ҳамдир. Чемпионат доирасида "Ёш спортчиларнинг физиологик ҳусусиятлари" мавзусида илмий анжуман ўтказилди ва унда 50 дан ортиқ халқаро тоифадаги мураббийлар, жаҳонлар, халқаро спорт федерациялари вакиллари иштирок этади.

Мамлакатимизда болалар ва ёшларни спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича дунёда ўшамас бўлмаган ўз босқичи улалуқиз тизим яратилди. Ушбу тизим доирасида мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", коллеж ва лицей ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ва талабаларининг "Универсиада" республика мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу борада Президентимизнинг Фармонида бинона ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жағмармаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олимп ва чекка туманларда ҳам спорт анжумлари билан тўлиқ жиҳозланган ўйнаб замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, спортга ихтисослашган мактаблар барпо этилди, спортнинг кўпгина турлари бўйича секциялар ташкил қилиниб, самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда бадий гимнастика анъаналари муштажам асосга эга бўлиб, ушбу спорт тури бўйича ўзбек мактаби жаҳонга машҳур. Ўзбекистон гимнастика федерациясининг бадий гимнастика бўйича техник қўмитаси аъзоси Ноҳа Абу Шабон бошчилигидаги нуфузли жаҳонлар баҳолайди.

Ушбу турнир нафақат юксак савиядаги халқаро спорт мусобақаси, балки ташкилотчилар, турли давлатлардан келган спорт мураббийлари учун маҳоратли гимнастикачиларни тарбиялаш бўйича тажриба алмашиш, ўз мамлакатлари ҳамда бутун Осиё минтақасида спортнинг ушбу турини ривожлантириш истиқболларини муҳокима этиш учун аждоий имконият ҳамдир. Чемпионат доирасида "Ёш спортчиларнинг физиологик ҳусусиятлари" мавзусида илмий анжуман ўтказилди ва унда 50 дан ортиқ халқаро тоифадаги мураббийлар, жаҳонлар, халқаро спорт федерациялари вакиллари иштирок этади.

Бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати Тошкентда ўтказилиши, шубҳасиз, мамлакатимизда ва бутун дунёда спортнинг ушбу аждоий турини ривожлантиришда муҳим омили бўлади. А. ИВАНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

Сиз суд ижрозчилари томонидан қонунчилик бузиллишига оид масалалар бўйича Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекциясига куйдаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланади. «Ишонч телефонлари» рақамлари: (8-371) 237-61-86, (8-361) 229-17-09, (8-374) 224-58-70, (8-365) 225-75-34, (8-372) 226-55-11, (8-367) 225-42-24, (8-376) 223-22-75, (8-366) 233-46-99, (8-369) 233-37-63, (8-436) 224-85-18, (8-371) 280-53-87, (8-371) 235-92-40, (8-375) 223-16-83, (8-373) 222-69-27, (8-362) 227-35-30.

Иш берувчилар диққатига! Ўз фуқаролик жавобгарлигингизни сўғурталашни унутманг! Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурталаш — ижтимоий ҳимоя воситаси. О'ZBEKINVEST, O'ZAGROSUG'URTA, KAFOLAT, Alliance Insurance, ALSKOM, ASIA insurance, IShonCh, KAPITAL SUG'URTA, Standard Insurance, O'ZBEKINVEST HAYOT, UNIVERSAL SUG'URTA.

"TOY-TERA AGROMAX" МЧЖ. Қилиққ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беради. Сабазавотлар: картошка, пиле, қизил лавлаң, сабзи. Маҳаллий шароитда етиштирилган. Украина технологияси асосига қайта ишланган. Дон-дун, перловка ёрмаси, гречка, нўхат, гуруч. Махсулот сертификатланган. Тел.: 586-46-00, 168-09-09.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади. 9.00 дан 18.00 гача. 236-09-25. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Фазлдин МУҲИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Алп Жамол Банк»и жамоаси Амалити бoшқармаси бошлиғи Нозима Газиҳановага турмуш ўртоғи Саидқабр ГАЗИХАНОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788.

Тажрибига келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда операторлар Ж. Топега ва М. Бегмуратов томонидан сақлалади. 1-Тижорат материалли. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 23.10. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оринов. Навбатчи муҳаррир — А. Кўтибдинов. Навбатчи — О. Файзиёв. Мусахҳах — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 23.10. 1 2 3 5